

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан кайд этилган стратегия ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20.2 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагиларни ташкил қилади:

| | | | | | |
|-----------|-------------------|---------|---------------|----------------|---------------|
| I чорак | _____ минг куб.м, | январь | _____ февраль | _____ март | _____ апрель |
| II чорак | _____ минг куб.м, | апрель | _____ май | _____ июнь | _____ июль |
| III чорак | _____ минг куб.м, | июль | _____ август | _____ сентябрь | _____ октябрь |
| IV чорак | _____ минг куб.м, | октябрь | _____ ноябрь | _____ декабрь | _____ январь |

1.5. Авар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган баъансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навобатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санаят ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнғувчи газлар) та мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолчининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарилиши тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчинни хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телфон рақамлари:

Истеъмолчи мазлиди ва телефон рақами: *Бойқашқий шаҳри Кат йўли 14*
55 102 52-14 55102 14-52

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчинни газ етказиб бериш қискартирилганда қадар қамийда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистралга газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қискартирилган ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимида бўлишида, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектиларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчинни оголантиридан ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳужжатига эга. Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтати.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунгазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгича ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли даволатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўннга тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункт), газдан фойдаланиш ускуналаридан соҳ ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатда газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатилиши ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига ўрнатилиши Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгариш ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, улатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимидаги ягона узлуксиз технологик жараянини хисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмаган етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланган ҳамда хар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи баъансида бўлган газ тармоғининг бошланиши хисобланади) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Биринк миқдори стандарт шартларда 1 м³ газ олинди: ҳарорат 20° С, Босим 101.325 кРа (760 ммНг) (ГОСТ 2939-63 1.1-Бандига асосан) Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартларда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзгандар" атентинининг метрий-ҳужжати хужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартларда автоматик равишда келтирилган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг баъансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танловни тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ